



Олтин Бахт

ГАЗЕТА 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 август, сешанба № 132 (1557)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Мухтарам фестиваль қатнашчилари! Хурматли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Сизларни қадимий ва бетакрор Ўзбекистон заминидан, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг тантанали очилиши муносибати билан самимий муборакбод этаман.

Кўна тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлиш бу муаззам шаҳарда бошланаётган ушбу санъат анжумани миллатлар ва инсонлар қалбидан азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг нечоғлиқ катта эканини яққол намойён этиб турибди.

Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка чорлаган илоҳий қудрат - муסיқа санъати, Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий тавбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир. Бу абадий ҳақиқатни, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар қайси она ўз фарзандига айтадиган алла оҳанглирида, инсон зотининг ҳар қандай ҳолатда - ёруғ ва қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қай-гули лаҳзаларда ҳам муסיқанинг мўъжизакор кучидан мадад ва таскин топишида кўриш мумкин.

Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддатинг таррақийёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчакларида ёвуз қучлар ўз қабиҳияларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзиде ҳаётнинг асраш, одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват этишда маданият ва санъат, хусусан, муסיқа дунёсининг таъсири беқийс экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Сиз, азизларнинг Ўзбекистон диёрига ана шундай интилишлар билан ташриф буюрганганизи биз жаҳон муסיқа жамоатчилиги томонидан халқимизнинг бебаҳо тарихий ва маънавий меросига, замонавий ўзбек муסיқа санъатига кўрсатилаётган ёрқин ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бу анжуманга нафақат ўзининг бетакрор санъатини, айна пайтада ўз она юртининг нафасини ҳам олиб келиб, ўлмас миллий қадриятларини намойён этадиган барча фестиваль қатнашчиларини, жумладан, Австрия, Арманистон ва Афғонистон, Буюк Британия ва Бангладеш, Германия ва Греция, Грузия ва Озарбайжон, Италия ва Испания, Индонезия, Исроил, Латвия ва Литва, Россия ва Руминия, Туркия ва Украина, Хитой ва Хиндистон, Эрон ва Эстония, Япония ва Жанубий Корея, Миср ва Саудия Арабистони санъаткорларини, ён қўшнилариимиз бўлган Қирғизистон ва Қозғистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган иштирокчиларни қутлаш, барчангизга ўз номидан, бутун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдириб, энг самимий тилақларини илҳом қилиш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Самарқанднинг мусаффо осмони, мовий гўлбазлари остида ўтадиган ушбу нафосат байрами, санъатни теран тушунадиган, санъаткорни юксак қадрлайдиган халқимиз вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар сизларда ўчмас тасассурот қолдиради, юртимиздаги беқийс тарихий обидалар, меҳмондўст элимизнинг олижаноб фазилатлари узоқ вақт ёдингизда сақланиб қолади. Мен, фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалининг қисқа муддатда халқаро мик-фестивал катта оғуру ва эътибор қозонишига ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро муסיқа кенгаши вакилларига алоҳида ташаккур билдирмоқчиман.

Сизларни анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, башарият тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий қамолот рамзи бўлган муסיқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятингизда янги ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Ўзбекистон диёрига, «Шарқ тароналари» муסיқа фестивалига хуш келибсиз, мухтарам дўстлар!

ИСЛОМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида




Абдуразаков Абдурахман



Мухамеджанов Закир (Зикир Мухамеджанов)



Сагатов Серикбай Жужасарович



Эргашев Аваз

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта хиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Абдуразаков Абдурахман - Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори

Мухамеджанов Закир (Зикир Мухамеджанов) - Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Нарзуллоев Ахмат Имидович - Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси

Сагатов Серикбай Жужасарович - Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони

Эргашев Аваз - Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низаматов номи ширкат хўжалиги раиси

Каипбергенов Тулепберген - Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**



Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқийс хисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

- Восит Воҳидов** - академик
- Маҳмуд Мирзаев** - академик
- Асқад Мухтор** - Ўзбекистон халқ ёзувчиси
- Иброҳим Мўминов** - академик
- Раҳим Пирмухамедов** - Ўзбекистон халқ артисти
- Толибжон Содиков** - Ўзбекистон халқ артисти, бас-такор ва дирижёр
- Сойиб Хўжаев** - Ўзбекистон халқ артисти
- Рихард Шредер** - академик
- Шўхрат (Фулом Алимов)** - Ўзбекистон халқ ёзувчиси
- Раззоқ Ҳамроев** - Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали маданиятимизни янада чуқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга, ёшларимизни унутилмас ва бой анъаналаримизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилаётган яна бир улкан эътибор намунаси.

25 август кўни кўна ва ҳамшира навқирон Самарқанд шаҳрида анъанавий «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро муסיқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган бу фусункор шаҳарда асос солинган «Шарқ тароналари» муסיқа фестивали халқаро майдонда тобора кенг эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки бутун жаҳонда кўлаб санъат намоёндаларини ўзига жалб этаётгани, қисқа фурсатда катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолатдир. Бу галги фестивалда кўлаб хорижлик муסיқа илҳомчилари ҳам томошабин сифатида иштирок этмоқдалар.

Регистон майдонидаги улкан амфитеатр томошабинлар билан тўлган. Кўна тарихининг боқий гувоҳи бўлиш миноралар рангоранг чироқлар ёғдусида афсонавий кўриниш касб этган.

Анжуманга катта ҳозирлик кўрилди. «Ёшлик», «Сўғдиёна» истироҳат боғларида улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. Санъат аҳли билан томошабинлар мулоқоти учун барча шароит яратилди.

Регистон майдонидаги маҳаббатли саҳнага Австрия, Арманистон, Афғонистон, Буюк Британия, Бангладеш, Германия, Греция, Грузия, Озарбайжон, Италия, Испания, Индонезия, Исроил, Латвия, Литва, Россия, Руминия, Туркия, Украина, Хитой, Хиндистон, Эрон, Эстония, Япония, Жанубий Корея, Миср, Саудия Арабистони каби жаҳоннинг қирққа

нинг «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро муסיқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табригини Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов ўқиб эшиттирди.

Маросимда сузга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро муסיқа фестивали хайъати раиси Ким Шин Ван (Корея Республикаси) Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган маъруза олимпиаданинг халқаро санъат олимпиада нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлади.

Анжуман кунлари «Энг яхши миллий кўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади.

ХОМИЙНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Зафаробод тумани пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Кикбоксинг» федерациясидан мактуб олди. Унда кикбоксинг болалар спортининг ривожлантиришдаги фаол иштирокчи учун мазкур корхона жамоасига миннатдорлик билдирилган эди.

Бу беҳиз эмас. Тумандаги Беруний номидаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Бехзод Рустамов яқинда Қозғистонда кикбоксинг бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида галаба қозониб, шу йил охирида Францияда бўладиган мусобақага йўланма олди. Бехзоднинг ана шу йилги мусобақада қатнашиши учун барча харажатларини пахта тозалаш заводи таъминлади. Корхона ёш спортчининг Францияга бўлажак сафари харажатларини ҳам зиммасига олмоқчи.

ДЭУ ЮНИТЕЛ ХЎЖАЙЛИДА

Хўжайли туманида ДЭУ ЮНИТЕЛ компаниясининг янги станцияси иш бошлади. Бу ерга Швециянинг «Erkson RBS-2202» фирмасида ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар ўрнатилди. Натижада Хўжайли ва Тахياتош шаҳрида яшовчи аҳоли уяли телефон хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёни таҳлили, фермерлик ҳаракати истиқболларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов бошқарди.

Туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, банк ва молия тизими мутахассислари, ширкат ва фермер хўжалиқлари раислари иштирок этган мулоқотда иқтисодий ночор ширкат хўжалиқларини тугатиб, ўрнига фермер хўжалиқлари ташкил этиш тўғрисида эркин, ошқора фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқарувчи бўлиб, куч эканлигини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Мамлакатимизда ҳам фермерликни ривожлантириш, унинг қонуний асосларини яратиб, ҳаракат механизмларини ишлаб чиқиш бўйича талай ишлар амалга

оширилди, эндиликда бу жараён қишлоқ хўжалигини устувор йўналиши бўлиб қолди.

Вилоятда 4 минг 404 фермер хўжалиги мавжуд. Ўтган йили вилоятда тайёрланган пахтанинг 33 фоизи, галланнинг 30 фоизини фермер хўжалиқлари етиштирди. Кўлаб фермер хўжалиқлари ҳосилдорлик бўйича рекорд натижаларга эришмоқда. Учрашувда таъкидланганидек, айрим туманларда фермерларни қўлаб-қувватлаш борасида маъмурий буйруқбозлик, уларнинг ишига ноқонуний араляшиш ҳоллари давом этмоқда. Бундай муносибат лизинг хизмати, банк, молия, фермерлар малакасини ошириш билан боғлиқ ишларда, айниқса, кўп учрайди.

(ЎЗА)

КОЛЛЕЖНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Беруний туманидаги педагогика ва иқтисодиёт коллежи биноси фойдаланишга топширилди.

Ўқувчилар янги ўқув йилини замонавий компьютерлар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синф хоналарида бошлайди.

Илгари фақат бошланғич синф ўқитувчилари ва боғча тарбиячилари тайёрлаб келган ушбу коллеж эндиликда иқтисодиёт бўйича ҳам мутахассислар етиштиради.

Янги бино минг ўқувчига мўлжалланган. Унинг 550 ўринли ўқув корпуси, 200 ўринли ётоқхона, мажлислар зали, спорт зали ва ошхонасида барча шароит муҳайё.

(ЎЗА)



Бунда ҳар бир мамлакатдан келган қатнашчи ўз халқининг миллий кўшигини ижро этади. Тақдим этилган дастурлар миллий муסיқа ижодиёти намуналари, мунотоз ва замонавий муסיқий йўналишлардан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Танлов иштирокчиларининг ижросини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро хайъат иш олиб боради.

Анъанага мувофиқ фестиваль доирасида «Шарқ халқлари муסיқа чолғу асбоблари» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ўтказилади.

Фестивалнинг ҳар гал миллий муסיқа санъатимизнинг муайян йўналишига бағишланиши унга ўзига хослик бахш этади. Бу йилги фестивал миллий мақом санъатимизга бағишланди. Тадбир доирасидаги театрлаштирилган дастур ва гала-концертда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топган.

Саҳнада халқаро фестивал очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланади. Миллий муסיқа санъатимизнинг жаҳон тараққитига, умумбашарий қадриятларга қўшган хиссаси беқийс. Бунинг ифодаси сифатида саҳнада мумтоз муסיқамиз, мақом намуналари, миллий кўй-қўшиқлар янграйди.

Халқаро муסיқа фестивали тантаналари сунъий йўлдош орқали жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатига олиб кўрсатилади. Фестивал жараёнида Интернет саҳифаларида ҳам ўз аксини топилади.

Ҳа, беш кун давомида қадим Самарқандда давми муסיқасининг нодир намуналари янграйди. Бой муסיқа меросимиздан баҳраманд бўлади фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари...

Назokat УСМОНОВА,
Ақбар ҚАРШИЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

ИШТИХОН ТЕРАКЛАРИ

янги уйлар қуришда гоётада асқотмоқда

Хар бир оиланинг ўз уйи бўлиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шу боис Мустақилликнинг илк давриданок, ҳукуматимиз, ҳурматли Президентимиз уй-жай муаммосини хал этишга алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб, қурилиш учун ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш йўлга қўйилди. Жумладан, Иштихон туманида ҳам юзлаб гектар теракзорлар барпо этилди. Бундан ташқари хар бир кишлоқ, хар бир хонадонда иморатбоп дарахтлар етиштирилмоқда. Эндиликда ўша ниҳоллар қурилиш учун яроқли ҳолга келган. Президентимизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати тўғриси, бугунги кунда аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эътиёжи деярли қондириляпти.


Хар бир оилани уй-жай билан таъминлаш энг яхши ижтимоий ҳимоя. Шу боис муҳтож оилаларга ер майдонлари ажратиш билан бирга аҳолини қурилиш ашёлари ва анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилляпти. Бундай фаолият билан машғул бўлган тадбиркорлар имкон даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, яқна тартибда уй-жай қураётганларга хизмат қилаётган усалар, қурувчи тадбиркорлар рағбатлантирилмоқда.

Ҳаётбахш Фармон эълон қилингандан буюн ўтган давр ичида бир неча минг оила бундай меҳрибонликдан баҳраманд бўлди. Хусусан, туманида 1996-1997 йилларда 1200 дан зиёд оила томорқа ерига эга бўлди. Кейинги йилларда ҳам иш давом эттирилди. Бунёдкорлик тўғриси янги киш-

гини ошириш соҳасида катта ўзгаришлар даври бошланганидан далолат беради.

Кейинги йилларда ким-ошди савдоси орқали ҳам одамлар уй-жай қуриш учун томорқа ерига эга бўлишмоқда. Ўтган олти йил ичида туманда 843 нафар фуқаро шу йўл билан томорқа олди. Кўп болали оилаларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига имтиёзли тарзда томорқа ажрати бериш давом этмоқда. Масалан, афғон уруши қатнашчилари Тolib Шерматов, Қамариддин Жумаев ёки II гуруҳ ногиронлари Барно Солиева, Эшмурод Йўлдошевлар имтиёзлардан баҳраманд бўлишди. Уларга туман ҳокимлиги, қорхона ва хўжаликлар ҳрмилийгида тош-қум, цемент, ёғоч-тахта етказиб берилди. Айрим ишларни бажаришга кўмаклашилди. Текинга газ, сув қувурлари улаб берилди. Аҳоли истиқоматгоҳларида, айниқса янги маҳаллаларда маиший хизмат, савдо масканлари, алоқа тармоқлари йўлга қўйилмоқда.

А.РЎЗИЕВ,
Иштихон туман ҳокимлиги яқна тартибда уй-жай қурилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиги



Улуғ байрам яқинлашаётган шу кунларда Истиқлол шукҳуи, у берган имкониятлар ҳақида кўп гапира-лимиз. Бироқ, ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Яхши эслаймиз, қизил империя вақтида биз - ўзбекларни фақат пахта қулига айлантиришмоқчи бўлишди. Меҳнатни биз қилдигу роҳатини ўзгалар кўрди. Мустақиллик, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, фаровон ҳаёт йўлини ёрқин белгилаб берган машур беш тамойил асрий орзуларга етиштирилмоқда.


ТОЖИБОЙ ФЕРМЕР БОЙЛИГИ

Пахтабод туманида ташаббускор кишилар ҳақида гап кетганда «Раҳимжон хожи» фермер хўжалиги раҳбари Тожибой Раҳимов номи биринчилар қаторида тилга олинади. У мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган.

— Бугун мулкдорга барча қайишмоқда, ҳавас қилмоқда, дейди у. Шу боис, имкониятлардан унумли фойдаланиб, улкан марраларни кўзлашмиш.

Тожибой фермер ўз сўзини устидан чиқадиган миришкор. Нияти бу йил хар гектар ердан 32 центнер ўрнига камида 50 центнердан оқ олтин йиғиштириб олиш. Бунинг учун далаларда замин яратилган.

Суратда: Ташаббускор фермер Тожибой Раҳимов.



ЎЗБЕК МОДЕЛИ

миллат келажagini кўзлайди

Ўзимдан киёс, Президент Фармони шароити ила фермер бўлдим. 12 гектар ерга бошқа неъматлар қатори чорва озуқаси етиштиришимиз. Йилга истеъмолчиларга ўрта ҳисобда 5 тонна сўт, 2 тонна гўшт етиштириб бераймиз. Шахсий хўжалигимизда 15 киши меҳнат қилади. 90 дан ортиқ қорамол, 70 та қўй-эчки ҳамда отлар меҳр

билан парвариш қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси бир вақтлар тушимизга ҳам кирмаган. Ният қиламиз, ўзлигимизга, она Ўзбекистонимизга кўз тегмасан.

И.САИДОВА,
Улуғнор туманидаги «Дилмурод» фермер хўжалиги раҳбари

ҚИШЛОҒИМ НЕЪМАТЛАРИ

эл дастурхонига

Хўжалигимиз аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан бирида жойлашган. Шу боис кўп йиллар мобайнида уй-жай, томорқа масаласи асосий муаммо бўлиб келди. Битта ҳовлида уч-тўрт, баъзан ундан-да кўп оила умргузаронлик қиларди. Ўз эринида, она қишлоғинида яраб, инсонлардек ҳаёт кечиролмасан, алам қиларкан.

Ўзбекистон мустақилликка эришди-ю, биз - дехқонлар кўкрагга та шамол теғди. Президент фармонлари меҳнатқиларни ижтимоий ҳимоялаш таъниниға айланди. Бунёдкорлик ишлари жонланди. Одамларимизнинг қўли гул, имкон берилса, улар қўллаб-қувватланса, шундай уйлар қуришадикки, ҳайрон қоласиз. Президент фармони шарофати ила қанчадан-қанча оилалар замонавий уйларга кўчиб ўтдилар. Томорқаларимизда йилга уч-тўрт турдаги неъмат етиштириб, ўзимиздан ортганини бозорга чиқараймиз.

Уй-жай тиклашнинг ўзигагина турмуш фаровонлигини кутилган даражада ошириш учун камлик қилади. Бошқа ҳаётнинг эҳтиёжларини ҳам қондириш даркор. Бунга яхши тушулган хўжалик маъмурияти, қасаба уюшма кўмитаси янги маҳаллаларни газ, сув, электр қуввати билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Қўсқа муддатда хўжалик ҳисобидан газ тақиминлигилар ўрнатилди, 15 километр газ қувурлари ётирилди. 8 та трансформатор ўрнатилиб, қишлоқларни қарогон этдик. Галаосиё, Қўштамағли, Бадал, Қонигил маҳаллаларида ободончилик ишлари амалга оширилди. Эндиликда қишлоқларимизда 57 та маиший хизмат шохчаси, 68 та дўкон, маданият, тиббиёт масканлари ишлаб турибди.

С.ТУРОПОВ,
Самарқанд туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

Оиламиз катта, етти ўғил, уч қизни воёга етказдик. Баъзида неварра, чевараларим йиғилишиб келишса, ҳовлига сиймағи кетишадик. Мақтаниш эмас, ўйимиз бамисоли бир жаннат. Мевалар, савзавот маҳсулотлари фарқ пилшган. Рўзгор учун кераклиси ўзимиздан чиқади. Аввалги пайтлар бўлмасди, шунча фарзандни уйли-жойли қилишнинг ўзи бўлмасди. Халол меҳнат, Истиқлол тўғриси хар бир ўғилга алоҳида-алоҳида иморат тикладик. Туман ҳокимлиги, ширкат хўжалиги оиламиз катталигини ҳисобга олиб, қурилиш материалларидан ёрдам берди. Қариндош-уруғ билан ҳашар қилиб, ўзимиз эккан тераклардан иморат тикладик. Шу боис меҳнатқил қаддини тоғдек кўтарган, унга ҳақиқий инсонлардек яшаш имконини яратган улугларимизга минг бора раҳматлар айтаман.

И.НОРМУРОДОВ,
пенсионер, Избоскан тумани

КУТМАЙЛИК, ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Қишлоқда биринчилар қатори фермерлар сафига қўшилдим. Иштихон туманида 20 гектар ер узоқ муддатга бериб қўйилган. Унинг 16 гектариди пахта, қолган қисмида дон етиштириб келаямиз. Шартнома режалари ҳамма ортиғи билан бажариляпти. Ўтган йили мўлжалдайдиган анча кўп - 56 тонна пахта, 21 тонна дон ҳосили олишга эришдик. Бу йил эса, галлачилиқдаги ютуқлар гоётада баракали бўлди. Нима қилса ҳам ўзимизники-да, оила аъзоларим билан яраб меҳнат қиламан.

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислотхотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Президент фармонини кўтаринки руҳ, хуш кайфият ила қутиб олдик. Жамоамиз аъзолари билан уни қайта-қайта ўқиб, мағзини чақдик. Ҳаммадан ҳам истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кучимизга куч қўшиди.

Яхши биланмики, қишлоқ хўжалигида ислотхотларнинг қандай бориши, фермерлик, тадбиркорлик ҳаракатининг нечоғли тўғри йўлга қўйилганлиғига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айниқса, сўнгги йилларда мулкдорлар, биз каби фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мустақам ҳимояга олинди. Сўнғий тўсиқлар олиб ташланмоқда. Контракция шартномасига муносабат тамомила ўзгарди. Ўзимизга кўрсатилаётган меҳрибонликка жавобан Рустам Раҳматов, Мажидул Холмова, Гулнора Нурсатова, Зубайда Саидова каби миришкорлар фақат сифатли маҳсулот етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С.АВЕЗОВ,
Ромитан туманидаги «Авез бобо» фермер хўжалиги раҳбари

Хар бир байрам ёки қутлуг кунлар олдида ёши улуг қариялар, хаста беморлар, етимлар ва қаровчисини йўқотган ҳамда қўмакка муҳтож кишиларни йўқлаш, улар ҳолидан хабар олиш халқимизнинг азалий одати.

Вилоят ва туман ҳокимлиқлари, жамоат ташкилотлари, қорхона ва муассасаларнинг вакиллари шундай кишилар истиқомат қилаётган хонадонларга ташириб буюрмоқдалар. Ширин сўз билан кўнглиларини кўтариб, совға-саломлар улашмоқдалар.

МЕҲРИНСО АЯ ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Меҳринисо ая хар доим-гидек бугун ҳам, тонг ёришмасдан уйқудан уйғонди. Ховлида ҳали ҳеч ким уйқудан уйғонмаган. Одатдагидек хассасини дўкилатганича қўйларига ем берди, товўқларига дон сепди, майли, бола-лар мириқиб ухлашсин, кеча кампирнинг 116 ёшлигини оила аъзолари ўзларича нишонлашди. Уйин-қулги қилишди. Роса чарчашган.

Сал вақт ўтмасдан оила жамоаси ҳовлидаги катта сўрида тўпланишиб, нонушта қилишадиганларида дарвоза тақиллаб қолди. Совға-саломлар билан Уч-кўрган шаҳар ҳокимлиги ва туман фахрийлар кенгаши аъзолари кириб келишди. Улар онахонни қутлуг ёши ва Ўзбекистон истиқлолининг 12 йилли-ги байрами билан қизгин муборакбод этишди.

Наманганимиз ҳудудида бир аср ва ундан ортиқ умр кўрган 454 нафар отахон ва онахонлар истиқомат қилади - дейди, виллоят фахрийлар кенгашининг раиси Муфатхон Маматов.

— Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиқлари, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар маъмуриятлари уларни хар тарафлама қўллаб-қувватлаш, зарур бўлган барча васситалар билан таъминлаш чорасини кўрмоқдалар. Йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида ушбу мақсадлар учун 10 миллион сўмлик моддий кўмак кўрсатилди. Кенгаши-миз истиқлол айёми арафасида бир аср ва ундан ортиқ умр кечирган қарияларни барчасидан хабар олиб, байрам билан муборакбод этиш чорасини кўрмоқда.

Кенгаш раиси таъкидлаш-чица, қариялар ҳолидан

ИНСОН МЕҲРГА ТАШНА

хабар олиш компаниячилик учун эмас, балки йил буйи давом этади.

ЕТТИ ЖАННАТ САВОБИ

Эргах бобонинг ёши аллақачон саксондан ошган. Умр буйи (уруш даврини фронтда ўтказган 3 йилни ҳисобга ол-маганда) ўзи туғилиб ўсган Заркент жамоат хўжалиги далаларида кетмон чолиб, сувчилик қилди. Мана 20 йилдан буюн нафақада. Уруш асоратини, совуқ сувни кўп кечганлигиданми, анчадан бери оёқлари зирқирайди.

Икки қўлтиқ таёқ билан аранг юради. Кўп вақти тўшақда ўтади. Бугун ҳам одатдагидек тушга яқин қатиқли хўрда қосага эндигина қошиқ солаётгандики.

Наҳижон Ёқубжонов бошлиқ қишлоқ оқсоқоллар гуруҳи совға-салом кўтариб кириб келишди.

— Қишлоғимиз Янгиқўрган туманидаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудлар-дан саналади, - дейди меҳнат фахрийи, 40

йилдан ортиқ умрини муаллимлик билан ўтказган Заркент қишлоқ фуқаролари кенгашининг аъзоси Н.Ёқубжонов.

— Қишлоғимизда ўттиздан ортиқ бемор қариялар, 35 та кўп болали ва кам таъминланган оила бор. Биз иложи борича уларни қўллаб-қувватлаб бо-раимиз. Жамоат хўжалиги-миз ва қишлоқдаги савдо бошқа ташкилотлар ёр-дамида уларга ёрдамла-шиш чорасини кўраимиз. Аслида виллоятнинг барча шаҳар-қишлоқларида шундай тадбирлар уюш-тирилди. Зеро, «бемор холидан хабар олиш етти жаннат савабига тенг», деб муқаддас ҳадисларим-изда беҳиж айтилмаган.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ

Бахрихонга ҳам осон эмас. Зеро тўрт нораси-дани отасиз тарбиялаб во-яга етказиш ҳамма аёл-нинг қўлидан келавермай-ди. Гап шундаки, турмуш ўртоғи Собиржон тиркичи-дан ваҳидан доволан оша Тошкентга қатнади. Фа-

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири

«Самарқандмармар» очик турдаги акция-дорлик жамиятига ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун 80 минг доллардан кўпроқ маблағ берилди. Маблағ чет эл инвесторлари учун ажратилган 335 минг доллар миқдоридagi акциялар пакетини сотиб олган «РосУзмармар» маъсулияти чекланган жамият томонидан берилди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МЕВАЛАРИ

Самарқанд мармари турфа рангдаги жилваланиши, табиий нақш ва гулларнинг ноёблиги, нисбатан арзонлиги ва юксак сифати билан ички ва ташқи бозорда юксак қадрланади. Бошқарув шаклининг бозор муносабатларига ўтилгани, ишлаб чиқаришга замонавий технологик асбоб-ускуналар жорий этилгани маҳсулотнинг янада харидордир бўлишига ёрдам берди.

Ҳозирги вақтда очик турдаги акциядорлик жамияти тизимининг истиқболли мармар қон-лариди саккизта кичик ва орта бизнес шўба қор-хонаси фаолият олиб бормоқда. Ўтган йилда 500 миллион сўмлик маҳ-сулот ишлаб чиқарилди, соф даромад 8 миллион 500 минг сўмни, ойлик ўртача иш ҳақи 40-45 минг сўмни, хар бир ак-ция учун дивиденд - 804 сўмни ташкил қилди. Евро-па тарақийёт ва тикла-ниш банкининг кредит линияси буйича «Зар-мармар» шўба қорхона-сига 820 минг доллар аж-ратилди. Қорхона бу ма-благга тошни қайта иш-лайдиган янги линия со-тиб олди. Айни пайтда қорхона қарздан узил-ке-сил қутулди.

Хўжалик юретишнинг бозор тамойилларини татбиқ этилиши «Пахта-банк»дан олинган 4 мил-лион сўмлик кредит ёр-дамиди Қўшработ туманида «Хабихон - FXH» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиш имконини берди.

Афсуски, транспорт хизматларининг қиммат-лиги «Самарқандмар-мар» маҳсулотлари эк-спорт улушини янада кўпайтиришга тўсиқ бўлмоқда. Масаланин-г ижобий ҳал этилиши бозорни сифатли мармар маҳсулотлари билан тўлдирши, таннархни ар-зонлаштиришга имкон беради. Боз устига, ички истеъмолчилардан таш-қари, чет эл компанияла-ри ҳам ўз қизиқишлари-ни билдирмоқда.

«Туркистон-пресс»

КАТТА ҲАЁТ БЎСАФАСИДА

Мирзабод туманидаги Т.Аҳмедов номи маҳалла фаолларини қатор ёшларнинг беқор юриши ташвишлантирарди. Оқсоқоллар шу хусусда кенгашиб, 20 нафар иш ахтарувчинини фермер хўжалиқларига ишга жойлаштиришди.

Ишонч инсонга қанот. Кўпчилик маҳалла оқсоқоллигига моҳир ташкилотчи Зокиржон Холдоровни сайлаб янглишмаган экан. Унинг қатъият-лиги тўғриси муам-молар бирин-кетин хал этилди. Ҳозир маҳалла ҳудудида 2 та мактаб, 1 та боғча, тиббий хизмат пунк-ти, кутубхона, савдо дўконлари ҳамда мини банк фаолият қиритмоқда. Айниқса, 6 та тегирмон, сарта-рошхона ҳамда пойабзал таъмирлаш устaxonасининг ишга туширилиши кўпчи-ликни қувонтирди.

Д.АББАСОВА



ДАЛА ШИЙПОНИДА

«Маънавият ва маърифат» хонаси

Мустақиллик шарофати билан ер ўзининг ҳақиқий эгаларига топширилди. Президент фармони билан қишлоқ хўжалигига фермерлик ва пудратчилик жорий этилди. Бугун шу асосда ишни тўри ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришаётган фермер хўжалиқлари, пудратчилар кўплаб топилди. Жумладан, хўжалигимиз пудратчилари томонидан бу йил 533 гектар галлазорлардан баракали ҳосил йиғиштириб олинди. Мавсумда фаол иштирок этган қомбайнчилар

муносиб рағбатлантирилди. Албатта, рағбат, манфаатдорлик бор жойда олдинга силжиш бўлади. Меҳнатқиларга қулай иш ва яшаш шароитлари яратиб берилса, ютуқлар қўлга киритила-верлади. Маъмурият билан ҳамкорликда мавжуд 14 та дала шийпониди хавас қил-гулик шароитларни яратиб берганмиз. Уларнинг барчаси радио, телевизор билан таъминланган. «Маънавият ва маъри-фат» хоналарида эса пудратчилар бўш вақтларини кўнглили ўтказмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларнинг кайфияти аъло: юксак хирмон чўққиларини забт этиш иштиёқи-да астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ш.АЛИМАРДОНОВ,
Денов туманидаги С.Раҳимов номи жамоат хўжалиги қасаба уюшма кўмитаси раиси

Кўрик ерда дехқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Бу-нинг учун метин ирода, омилқорлик, қасб-қорға савдоқат бўлиши керак. Чўлда чиниккан, суяги дехқончиликда қот-ган Сувон ота Омонов бунинг улдасидан чиқмоқда. Дех-қончиликдан ташқари чорвачиликка қўл уриб, эл дастурхо-нини тўқин-сочин этишга муносиб хисса қўшмоқда. Қол-ғусидаги режалари қайта ишлаш цехи очиб, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириши.

Тадбиркор савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Угалар ёрдамига муҳтож, кам таъминланган оилаларга гўшт ва сўт етказиб бериш, мактаб биноларини таъмирлаш иши-га муносиб хисса қўшиб келмоқда.

Суратда: ўз ерининг ҳақиқий хўжайини, фермер С.Омонов (чапда) ҳамда ёшлар мураббийси, чорва-дор М.Хужойбердиева.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*тармоқ ходимларини... Ўзбекистон
мустақиллигининг ўн икки
йиллиги билан самимий
муборакбод этади*

**Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин,
хонадонларимиздан қут-барака аримасин!**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

**Республикамыз аҳолисини ҳамда соҳа
ходимларини яқинлашиб келаётган энг улуг,
энг азиз байрам билан муборакбод этади**

Бир газал шарҳи

«МУШК ҲИДЛИК ЗУЛФУНГИЗ ЛАЙЛИНИ МАЖНУН АЙЛАДИ...»

Кўзларингиз оҳуни хар дам жигархун айлади, Мушк ҳидлик зулфунгиз Лайлини Мажнун айлади,

Эй малоҳат мулкнинг султони, аз эт ёрликқа, Қоматини ул «алиф» тек қаддингиз «нун» айлади.

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима Кўзларининг бири - Сайхун, бири - Жайхун айлади.

Кирпикинг новак ўқин бағримга уруб ҳар замон, Фитна бирла қошларинг кўнглумни мафтун айлади.

Ниятим бор эрди - кезсам дунянинг мажмуини, Кўр ани: даври фалак нетек дигаргун айлади.

Шукр, бор душманни билмас юзумнинг соригин, Қахрабо англиг энгимни ашк гулгун айлади.

Ишқ фанни барча фанлардин эрур назук, магар Ишқингиз Саккоки(й)ни фанда зуфну айлади.

XIV асрнинг иккинчи - XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган истеъдодли ўзбек шоири Саккокий Мирзо Улугбекка бағишлаган қасидаси билан ўзбек адабиётида машҳур. Лекин у ақолиб лирик шоир ҳам бўлиб, бизгача унинг тўлиқ бўлмаган кичик бир девон қўлёзмаси етиб келган. У Атоий, Лутғий каби туркий тилда қалам тебратган.

Саккокийнинг мазкур газали аънавий мавзуда бўлиб, маъшуқа таърифига бағишланади. Мумтоз шеърятда кенг тарқалган ташбеҳ ва тимсоллар ёрдамида маъшуқани вафқ этиш билан бошланган газал ошқининг аҳоли баёни билан ниҳосига етди.

Кўзларингиз оҳуни хар дам жигархун айлади, Мушк ҳидлик зулфунгиз Лайлини Мажнун айлади.

Маъшуқанинг кўзини оҳунинг кўзига нисбат бериш - мумтоз адабиётда кўп кўланган ташбеҳлардан: у, бир томондан, оҳунинг кўзига ўхшаса, иккинчи томондан, ундан бир неча марта гўзал. Шунинг учун ҳам оҳу бундан хижил тортади.

Албатта, газал тасаввуфий мазмунга ҳам эга. Аксинча, иккинчи мисрада: Сизнинг мушқ ҳидли сочингиз Лайлини Мажнун айлади, - дейилмас эди. Шонирнинг маъшуқаси шунчалик гўзал, унинг соҳидан шунчалик муаттар буй тараладики, бу ҳид димоғига етса, гўзаллар шохди, маъшуқалар сарвари ҳам эс-ҳушидан ажралиб, куйида Мажнунга айланади. Мисраи дунё гўзали ана шундай кучли мубо-

лага билан вафқ этилган, деб ҳам талқин қилса бўлади. Лекин бир гўзалнинг иккинчисига ошқ бўлиши кишини унча ишонтирмайди, чунки улар, аксинча, бир-бириндан рашқу ҳасад қилиши мумкин. Агарда уни илоҳий маъбуа деб оладиган бўлсак, муаммага ҳожат қолмайди: хар қандай гўзал ҳам илоҳий гўзалликнинг бир зарраси, бинобарин, унинг ўз яратувчисига кўнгил қўйиши, уни севиши табиий.

Эй малоҳат мулкнинг султони, аз эт ёрликқа, Қоматини ул «алиф» тек қаддингиз «нун» айлади.

«Эй малоҳат мулкнинг султони, раҳм айлаб, мени ёрликка, чунки ул «алиф»дек қаддингиз ҳажрида қоматим «нун»дек бўлди». «Алиф» ва «нун» - араб ҳарфлари: «алиф» - «а» ва «о», «нун» - «н» товушини ифода қилади. Шаклан «алиф» - тўғри чизикдай тик, «нун» қошдай қайрилма. Шунинг учун ҳам мумтоз шеърятда маъшуқанинг тик қоматини «алиф»га, унинг ҳажрида эгилган ошқ қаддини «нун»га нисбат берадилар. Бу ерда шоир шў ўхшашликдан фойдаланиб, «алиф» харфидек тик қоматингиз ҳажрида қаддим «нун» харфидек эгик бўлиб қолди, демоқда.

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима Кўзларининг бири - Сайхун, бири - Жайхун айлади.

Маълумки, Мовароуннаҳр - икки дарё оралиги, дегани. Бундан шоир ўз ҳолатини ифода қилиш учун бадиий ташбеҳ сифатида фойдаланади: ёр ҳажрида икки кўзимдан ёш оқаоқа икки ёнимада икки дарё ҳосил бўлди - улардан бирини - Сайхунга, иккинчисини - Жайхунга ўхшатиш мумкин.

Кирпикинг новак ўқин бағримга уруб ҳар замон, Фитна бирла қошларинг кўнглумни мафтун айлади.

«Кирпикинг бағримга хар лаҳза ўқ каби санчилса, қошларинг жозибаси ва мафтункорлиги билан кўнглумни шайдо айлади». Мумтоз шеърятда аслида қош - ёйга, кирпик - ўққа ўхшатилади.

Бу ерда шоир айтаяптики, кирпикинг, яъни ўқинг бағримни ярасласа ҳам, ёйинг, яъни қошинг ўзининг дилраболиги билан мени ошқ қилишда давом этаверади.

Ишқ фанни барча фанлардин эрур назук, магар Ишқингиз Саккоки(й)ни бу фанда зуфну айлади.

«Ишқ илми барча илмлардан нозик, шунинг учун ҳам сизнинг ишқингиз тўғри Саккокий барча илмлар соҳибига айланади».

Бу ерда зуфунун сўзи вази тақозосига кўра зуфун тарзида қисқартириб ёзилган бўлиб, илму ҳунар, кўллаб фазилатлар соҳиб, деган маънони билдиради.

Ушбу газал таҳлилдани кўринадикки, Саккокий гўзал лирик шоир сифатида ҳам мумтоз адабиётимизда ўз ўрнига эга экан. Шоирнинг бадиий оламга кириб, образлар силсиласини кашф этиши ўқувчига бекиёс маънавий завқ бағишлаши, шубҳасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди

Тошкент вилоятининг сўлим «Йўлчи» оромгоҳида вилоят автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимларининг аънавий иккинчи тармоқ спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда 200 нафарга яқин соҳа ходимлари мини футбол, шохмат, стол тенниси, волейбол сингари спорт турлари бўйича голиблик учун баҳс олиб бордилар.

Кўпчилик эътиборини ўзига қаратган мини футбол беллашувларида Ангрен йўллардан мунтазам фойдаланиш (ИМФ) бошқармаси жамоаси мусобақага пухта тайёргарлик кўрганлигини исботлаб, шохсупага кўтарилди. Кейинги ўринлар Янгиобод ИМФ, Бекобод йўл саноати ишлаб чиқариш корхонаси жамоаларига насиб этди.

Ақл гимнастикаси - шохмат ўйинлари ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Унда Янгийўл туманидаги 2503-автожамланма ходими Олимжон Махмудхонов барча рақибларидан устун эканлигини намойиш этди. Шунингдек, Ангрен автотранспорт корхонаси вакили Абдуҳолик Қўшоқов, «Автомагистрал» иختисос-

кили Машхура Муродовалар кейинги ўринларга муносиб кўрилди. Спартакиада кўтаринки кайфиятда, юксак савияда ўтди, - дейди Автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касбаба уюшма Марказий кўмитаси Тошкент вилояти вакили Баҳоидир

СПАРТАКИАДА Кўтаринки руҳда ўтди

Юшма кўмитаси раиси Исмаилла Ҳайдаровлар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. «Автомагистрал» иختисослашган автомобил йўлларини таъмирлаш ва ушлаб туриш бирлашмаси ходими Сурайё Комилжонов хотинқизлар ўртасида ўтказилган стол тенниси беллашувларида ўзининг чаконлигини кўрсатди. Янгиобод ИМФ ходими Татьяна Нафт, «Тошвилояттранс» аҳолига хизмат кўрсатиш автокорхонаси ва-


Касаба уюшма тадбири



«КВАРЦ»ДА СПОРТ БАЙРАМИ

Қувасойдаги «Кварц» акционерлик жамиятида мустақилликнинг 12 йиллиги ҳамда Обод маҳалла йилига бағишланган корхона кубоги учун болалар ўртасида футбол ва енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақа акционерлик жамияти касбаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан корхона спорт клуби, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Футболни миллионлар йўлини деб беҳиз айтишмаган. Бу мусобақалар давомида ўз исботини топди. Шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларидан сақизта жамоа қатнашган футбол учрашувлари чин маънода чаконлик ва маҳорат беллашувларига айлиб кетди. Уч кун давом этган қизиқарли футбол ўйинларида «Кварц-1» жамоасига омад кулиб боқди. «Богбон» ва «Ёшлик» маҳалла фуқаролари йиғинлари жамоалари эса кейинги ўринларни эгаллашди. Енгил атлетика баҳсларида «Сой бўйи» маҳалласи вакили Шохбоз Мадошимов, Усмон Юсупов номли маҳалла спортчиси Баҳром Усинов фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Совринли ўринларни эгаллаган спортчиларга ташкилотлар томонидан таъсис этилган Фаҳрий ёрлик ва кимматбахо эсдалик совгалари топширилди.

Б.ҲАСАНОВ



БАРКАМОЛ АВЛОД ЙЎЛИДА

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан жойларда мактаб ўқитувчиларининг аънавий август кенгашлари қизғин ўтказилмоқда. Бу уларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва ишларни тўғри ташкил этиш масалалари бўйича узаро яқдил фикрлашиб олишларини белгилайдиган омиллар.

Куни кеча Жиззах шаҳар халқ таълими ходимларининг аънавий август кенгаши ўтказилди. Кенгаш очик мулоқот, баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди. Аввало, соҳа ходимларини қийнаётган муаммолар ечимига доир масалаларга бағишланган муҳокама ўқитувчи-педагоглар дилидаги гапларни ўртага чиқарди. Айниқса, соҳанинг илгор вакиллари тақдир-

ли фанлардан сабоқ беради. Улар орасида давлат мукофоти совриндорлари борлиги кишини қувонтиради. Бу йил 45 нафар катта муаллим катта иззат-хурмат билан пенсияга кузатилди. Бундан ташқари, аълочи ва тириншоқ ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда шаҳардаги 22-гимназия-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Камола Очилованинг вилоят ҳокими стипендиантлигига муваффақ бўлгани фикримиз исботидир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

ДИҚҚАТ АУКЦИОН! ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2003 йилнинг 26 сентябр ҳамда 3,10,17 октябр кунлари аукцион савдоларини ўтказида

САВДОЛАРГА: - Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 85-уйда жойлашган Тошкент шаҳар табиий меҳнат экспертиза хизмати-нинг 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ТНГ 0329 бошланғич нархи 541000 сўм бўлган, «ВА3-2121» русумли автотранспорт воситаси; - Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3-А» уйда жойлашган «Йўловчи-транс» бирлашган хўжалик ҳисобидидаги марказнинг 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АК 861 бошланғич нархи 1000000 сўм бўлган, «Доган А» русумли автотранспорт воситаси; - Тошкент шаҳри, «Қора-қамиш» даҳаси, 2/4-мавзе, Юнусов кўчаси, 1-А»-уйда жойлашган Республика ҳайвонлар ўта хавфли касалликлари бўйича иختисослашган ветеринария лабораториясига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 82-72 ТНД, бошланғич нархи 455000 сўм бўлган, «ВА3- 2106» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А» уйда ўтказилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади. Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридидаги зақалат пулини Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармасининг «Узуйжойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги МФО 00425, ИНН 200950435, 20203000000448035001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Муружаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уй. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49. «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2003 йил 1 август кунини ўтказилган аукцион савдоларида: - Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасига қараш-

Мамлакат чемпионатининг иккинчи давра беллашувлари таниқли мураббий Юрий Саркисян бошчилигидаги Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси учун омадсиз келди, дейиш мумкин. Негаки, чемпионлик учун баҳс олиб борётган фарғоналик футболчилар, ёдингизда бўлса, аввалгига Наманганда маҳаллий «Навбахор» командасига имкониятни бой берган эди. Кейинчалик «Трактор» ва «Самарқанд-Д» жамоалари устидан қийинчилик билан ғалаба қозонилди. Ниҳоят, сўнгги - 19-турда «Насаф» меҳмони бўлган фарғоналиклар, таъбир жоиз бўлса, қакшатқич зарбага учрадилар.

«НАСАФ» - «НЕФТЧИ» - 4:1 «Пахтакор» чемпионми?



Сўнгги йилларда совринли ўринлар учун кураш олиб боруши жамоалар сафига қўшилган Қашқадарёнинг бош жамоаси биринчи давра пешқадами дарвозасини тўрт бор ишғол этиб, ўз дарвозасидан фақат битта тўп ўтказиб юборди. Учрашувни кузатган футбол ишқибозлари гувоҳлик беришлари мумкинки, биринчи бўлимдан сўнг кичик ҳисобда мағлу-

би турсан гап. Чунки пойтахтликлар ҳисобида кечаги, «Кизилкум» билан бўлган учрашувдан ташқари захирода яна бир қолдирилган ўйинлари бор. Қаршилик футболчилар билан бирга бронза медали учун кураш олиб борётган «Навбахор» жамоасига янги мураббийнинг қадами кутлуг келди. Собик жамоасига қайтган Виктор Жалилов фут-

Table with 5 columns: Team, Goals, Assists, Penalties, Total Goals. Rows include Neftchi, Pakhtakor, Kizilqum, Navbahor, Nasaf, Mashal, Dostlik, Surxon, Andijon, Buxoro, Cementchi, Samarqand-D, Metallurg, Kukon-1912, Guliston, and Traktor.

Узбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-машиный хизмат ходимлари касбаба уюшма Марказий Кўмитаси, Корралпогонист Сурхондарё вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-машиный хизмат ходимлари касбаба уюшма кўмитаси раиси Эшмурод Турдалиевга умр йўлдоши Турдиқол ТУРДАЛИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.30.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нарх кўрсатиш: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.